

УЎК 633.51/631.52/631.6

РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАБ ЕТИШТИРИЛГАН ҒЎЗА  
ОИЛАЛАРИНИНГ ТОЛА ПИШГАНЛИГИ КЎРСАТКИЧИ

Қодиров Отабек Абдуллахаевич

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,  
Мустақил изланувчи

**Аннотация:** Ушбу мақолада ғўзада навдорлиги юқори бўлган сифатли элита уруғлар етиширишда уруғлик кўчатзорлага ресурстежамкор технологиялар қўллаш натижасида пахта толасининг чиқими ва толанинг пишганлик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** уруғ, элита, ресурстежамкор, плёнка, томчилатиб суғориш, оила, вариант, тола.

**Аннотация:** В данной статье представлены сведения о показателях урожайности и зрелости хлопкового волокна в результате применения ресурсосберегающих технологий в семенном питомнике при выращивании высокоурожайных элитных семян хлопчатника.

**Ключевые слова:** семена, элита, ресурсоэффективность, пленка, капельное орошение, семья, вариант, волокно.

Пахта хом ашёсидан олинадиган тола ғўза ўсимлигининг энг асосий қимматли хўжалик белгиси ҳисобланади. Барча пахта етиширувчи давлатлар ўз эътиборини ғўзанинг айнан тола сифати кўрсаткичларига қаратадилар. Толанинг сифат кўрсаткичларига олиб бориладиган агротехник тадбирлар ва бир қанча ташқи ва ички омиллар жавобгардир. Хусусан, чигитни турли усуlda экилиши ва суғориш усуllари толанинг технологик кўрсаткичларини шаклланишида алоҳида ўрин тутади.

Республикамизнинг бир қатор олимлари томонидан [1,2] толанинг технологик кўсаткичларига суғориш услублари ва экиш услубларини таъсири бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. Аммо, бу усуllарни ғўза навларининг уруғлик сифат кўрсаткичлари ва навдорлигига нечоғлиқ таъсир этиши бўйича маълумотлар жуда кам. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда плёнка остида томчилатиб суғориш технологиясини ғўзанинг оригинал ва элита уруғлик сифат кўрсаткичларига таъсирини

ўрганиш билан бир вақтда толанинг пишганлилик даражаси ва бошқа технологик кўрсаткичларига қанчалик таъсири бор эканлиги бўйича ҳам кузатишлар олиб бордик (2-жадвал).

Албатта, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакка, уруғчилик тизимида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга ҳизмат қилувчи асосий омиллардан бири урғлик етиштирилаётган жойларнинг тупроқлари специфик таркибга ҳамда механик тузилмага эга эканлигидир.


Тупроқ-иқлим шароитлар ўзаро бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, ўша мухитда етиштириб олинган пахта хом ашёси толаларини имкон қадар тўлақонли етилишига асосий эътиборни қаратиш даркор.

**Толанинг пишганлиги**, аслида унинг сифат кўрсаткичлари қаторига киради. Унинг асосида тола деворларида целлюлоза қаватларини қанчалик ҳосил бўлиши ётади. Толанинг пишганлик даржаси аввалимбор, тупроқ-иқлим шароитига, қоловерса агротехник тадбирлар ва айрим ҳолларда ғўза навига ҳам боғлиқдир [3].

**Тола лентаси кенглигининг унинг каналлари кенглигига нисбати толанинг пишганлигини ифода этади.**

Толанинг пишганлигига аниқлик киритувчи маҳсус ўлчов бирлиги (шкаласи) бор. Бу бирлик 0-5 гача бўлиб, ўртадаги фарқ 0,5 ни ташкил қиласди. Ўлчов бирлиги ўлик толалар учун 0,0 бўлса, ўта пишган толалар учун эса 5,0 деб белгилаб берилган. Яхши ва ўртacha пишган толаларнинг кўрсаткичлари 2-2,5-3 оралиғида бўлади (1-расм).

Бундан ташқари пахта толасининг пишганлилик даражасини Поляроид П-2 деб аталувчи маҳсус аппарат ёрдамида ҳам юқори аниқликда кўриш мумкин.



**1-расм. Пахта толасининг пишганлигини солиштирувчи бирлик  
(шкала).**

**Тола сифат кўрсаткичлари.** Чигитда уруғкортакнинг пўстида ўсиб кетган хужайралар пахта толасини ҳосил қилади. Сифат жихатидан пахта толасини бир неча даражаси бор. Толанинг турини турли даражада ирсий хусусиятлар белгилайди.

**1-жадвал**

<b>Пахта толасининг сифат даражалари</b>		
<b>Турига қараб</b>	<b>Навига қараб</b>	<b>Синфиға қараб</b>
9 тур	5 та нав	5 та синф
5 таси ингичка толали	Биринчи нав	Олий синф
4 таси ўрта толали	Иккинчи нав	Яхши синф
	Учинчи нав	Ўрта синф
	Тўртинчи нав	Оддий синф
	Бешинчи нав	Ифлос синф

Пахта толасининг ўсиши ва пишиши бевосита ташқи муҳитнинг таъсирига боғлиқ холда турли муддатларда бўлади. Хаво ҳарорати ўсимлик гуллагандан бошлаб кўсаклар етилгунга қадар  $25-27^{\circ}\text{C}$  даражা бўлса, кўсаклар ичидаги пахта толасининг пишиш даври ўртacha  $26-28$  кун давомида кузатилади. Бордию, хаво ҳарорати  $21-23^{\circ}\text{C}$  ёки ундан пат бўлса пахта толасининг пишиши кечикиб, тола чиқими ва унинг сифат даражасига салбий таъсиrlар бўлиши мумкин.

2021 йилда олиб борилган тажрибаларга асосланиб уруғлик намуналарнинг тола чиқими ҳамда пахта толасини пишганлик даражаси ўзаро таққосланганда тадқиқот вариантлари билан назорат навриантларининг ўртасида қўйидагича фарқлар кўринди: плёнка остида томчилатиб суғориш технологияси асосида етиштирилган 201-оила 5-вариантнинг тола чиқими  $36,5\%$  ни ташкил қилиб, 1-вариантга нисбатан  $0,3\%$  га юқори бўлса, 6-вариантда  $36,2\%$  бўлиб, назорат 2-вариантга нисбатан  $0,2\%$  га юқори бўлди. Шу билан бирга, тадқиқотнинг плёнка остида эгатлаб суғорилган 3-4-вариант кўрсаткичлари билан бир ҳил натижা берди. Толанинг пишганлик даражаси бўйича назоратга нисбатан  $1,0-0,5$  га юқори ҳамда плёнка остида эгатлаб суғорилган вариант кўрсаткичи билан бир ҳил натижани берди.

106-оила 11-12-вариантида тола чиқими  $37,6-37,1\%$  ни ташкил қилиб, очиқда етиштирилган назорат вариантга нисбатан  $0,3-0,4\%$  га юқори

бўлса, толанинг пишганлик даражаси бўйича назоратга нисбатан 0,5 га юқори бўлди.

**2-жадвал**

**Тола чиқими ва унинг пишганлик кўрсаткичи (2021 й)**

№	Оил a	Экиш усули	2021 й		
			Ҳосил шохи	Тола чиқими, %	Тола нинг пишганл иги
1	2	3	4	5	6
1	39	Очиқ	3-8	36,2	2,5
2			9-12	36,0	2,0
3	201	П.о	3-8	36,5	3,0
4			9-12	36,2	2,5
5		П.о.т.	3-8	36,5	3,5
6			9-12	36,2	2,5
7	84	Очиқ	3-8	37,3	2,5
8			9-12	37,5	2,0
9	106	П.о	3-8	37,4	3,0
10			9-12	37,1	2,5
11		П.о.т.	3-8	37,6	3,0
12			9-12	37,1	2,5
13	35	Очиқ	3-8	38,7	3,0
14			9-12	38,3	2,0
15	205	П.о	3-8	39,1	3,0
16			9-12	38,6	2,5
17	с	П.о.т.	3-8	39,2	3,0
18			9-12	38,6	3,0

Шу кўрсаткич бўйича тадқиқотнинг плёнка остида эгатлаб сүфорилган вариант билан бир ҳил натижага қайд этди.

205-оила 17-18-вариантнда тола чиқими 39,2-38,6% ни ташкил қилиб, очиқда ётиштирилган назорат вариантига нисбатан 0,5-0,3% га юқори бўлса, толанинг пишганлик даражаси бўйича назоратга нисбатан 3-8 ва 9-12 ҳосил шохлар элитаси 1,0 га фарқ қилди.

2022 йил давомида олиб борилган тадқиқотларда 201-оила 5-вариантида 3-8(3-12) ҳосил шохлар элитасининг тола чиқими 36,4%, 6-вариантда 9-12(3-12) ҳосил шох элитаси 36,3% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 0,1-0,2% га юқори бўлса, толанинг пишганлик даражаси 3,0 бўлиб, назоратга нисбатан 0,5-1,0 га юқори бўлди.

106-оила 11-12-вариантида 3-8(3-12) ва 9-12(3-12) ҳосил шохлар элитасидан етиширилган пахтанинг тола чиқими 37,5% бўлиб, назоратга нисбатан 0,3-0,4% га юқори, толанинг пишганлик даражаси 3-8(3-12) ва 9-12(3-12) ҳосил шохлар элитасида 3,0 бўлиб, назоратга нисбатан 0,5-1,0 га юқори. Плёнка остида эгатлаб суғорилган варианта нисбатан 9-12(3-12) ҳосил шохлар элитаси 0,4% тола чиқими ҳамда тола пишганлик даражаси 0,5 билан юқори бўлиб чиқди. 205-оила 17-18-вариант 3-8(3-12) ва 9-12(3-12) ҳосил шохлар элитасида 38,9-38,7% билан, назорат вариантига нисбатан 0,4-0,3% га ҳамда тола пишганлиги 0,5-1,0 га юқори бўлди. Шунингдек плёнка остида эгатлаб суғорилган вариантнинг тола пишганлик даражасига нисбатан 0,5 га ижобий натижа кузатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ғўза уруғлик кўчатзорларида навдорлиги юқори сифатли элита уруғларини етиширишда ресурстежамкор технологияларни (плёнка, томчилатиб суғориш) қўллаш асосида олиб борилган тадқиқот натижаларида тола чиқими кўрсаткичи барча варианtlарда деярли бир хил натижани қайд этган бўлсада, толанинг пишганлик кўрсаткичи бўйича ресурстежамкор технологиялар қўлланилган варианtlарники юқори бўлганлиги билан фарқланди.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ҳақбердиев А. “Ҳақиқий дехқон сара уруғ жамғаради” //Agro biznes inform, журнали. №10 (141) – 2018 й. -12 бет.
2. Шарипов Т., Ҳасанова Э., Ахмедов Р., Хожамберганов Н., Қаршибоева Ҳ., Расулов Д. “Нав, ҳосил, тола” //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №7. -2006. -15 бет.
3. Козубаев Ш., Турабходжаева М., Абдувохидов F., Абдурахманова Н. “Уруғчилик занжири ва уни бошқариш механизми” //АгроИм журнали, -№2. -2020 й. -4 б.